

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**ТАРАЛЕВА ТАТЬЯНА АЛЕКСАНДРОВНА**

**СПОРТНИНГ ЦИКЛИК ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ  
ИСТИҚБОЛЛИ СПОРТЧИЛАРНИ САРАЛАШ ЖАРАЁНИДА  
МАШҒУЛОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.38 – Спорт тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2024**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
медицинским наукам**

**Content of Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
medical sciences**

**Taraleva Tatyana Aleksandrovna**

Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи  
истикболли спортчиларни саралаш жараёнида  
машғулотлар самарадорлигини баҳолаш..... 3

**Таралева Татьяна Александровна**

Оценка эффективности тренируемости по  
циклическим видам спорта при отборе  
перспективных спортсменов ..... 23

**Taraleva Tatyana Aleksandrovna**

Evaluation of the training efficiency in cyclic  
sports at the selection of promising athletes..... 43

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 49

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**ТАРАЛЕВА ТАТЬЯНА АЛЕКСАНДРОВНА**

**СПОРТНИНГ ЦИКЛИК ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ  
ИСТИҚБОЛЛИ СПОРТЧИЛАРНИ САРАЛАШ ЖАРАЁНИДА  
МАШҒУЛОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.38 – Спорт тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2596 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sportmed.uz](http://www.sportmed.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган. ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Илмий раҳбар:**

**Садиков Абдушукур Абдужамилевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Камилова Роза Толановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Куртиева Шадие**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100027, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси 6-уй. 3-қават мажлислар зали ). Тел/факс: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93, e-mail: [medsport@gmail.com](mailto:medsport@gmail.com)).

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100027, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси 6-уй. 3-қават мажлислар зали ).Тел.: (+99871) 241-38-03).

Диссертация автореферати 2024 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Р. Мавлянов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Э. Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори, катта илмий ходим

**А.А. Хаджиметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, биология  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда оммавий спорт ва юқори самарали спорт турлари билан шуғулланадиган аҳолига катта эътибор қаратилмоқда. Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2010 йил 22 сентябрдаги резолюциясида «...спорт минг йиллик декларациясида шакллантирилган ривожланиш соҳасидаги мақсадларга эришишда ҳисса қўшади ва 2030 йилгача барқарор ривожланишни таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади...»<sup>1</sup>, дейилган. 2022 йилнинг 19 октябрида Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) 2018-2030 йилларда аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш бўйича Глобал ҳаракатлар режасида белгиланган сиёсат тавсияларини мамлакатлар томонидан амалга оширилишидаги биринчи кенг кўламли таҳлилини ўтказди. Унга кўра, спортчиларнинг саломатлик ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолашнинг етакчи маълумот мезонларидан баъзиларини тартибга солиш тизимларининг функционал ҳолати, захира имкониятлари ва тананинг юқори интенсивликдаги жисмоний юкламаларга мослашиши ҳисобланган. Замонавий илмий тадқиқотларда юрак уриш тезлигининг ўзгарувчанлиги усулидан фойдаланган ҳолда жаҳон миқёсидаги спортчиларнинг тайёргарлигини баҳоловчи ишлар тобора кўпайиб бормоқда. Жисмоний юкламаларга мослашув жараёнлари нуқтаи назаридан жисмоний иш қобилияти даражасини баҳолаш усулларини такомиллаштириш спорт тиббиётининг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи истиқболли спортчиларни саралаш жараёнида машғулотлар самарадорлигини баҳолаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, морфофункционал параметрлар, спортчилар тайёргарлиги самарадорликларғини баҳолаш, юрак уриш тезлигининг ўзгарувчанлиги асосида элит спортчилар организми регулятор тизимларининг адаптив-компенсатор механизмларини таҳлил қилиш, юрак-қон томир тизимининг морфофункционал параметрлари ва адаптив-компенсатор имкониятларидан келиб чиқиб, машғулотлар жараёнида спортчиларнинг мусобақаларга тайёргарлигини баҳолашга дифференциал ёндашув усулини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда спорт тиббиётини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан, аҳоли, профессионал спортчилар ўртасида турли этиологияли соматик касалликларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ “...жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқаролар сонини кўпайтириш; энг илғор ва инновацион технологияларни жалб қилган ҳолда зарур инфратузилмани яратиш; Ўзбекистон терма

---

<sup>1</sup>Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бош Ассамблеясининг 2010 йил 22 сентябрдаги 65/1-сонли резолюцияси.

жамоаларининг нуфузли халқаро мусобақаларда иштирокини таъминлаш ...»<sup>2</sup> муҳим аҳамиятга эга.

Белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, истиқболли спортчиларни танлашда циклик спорт турлари бўйича машғулотлар самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-январдаги ПФ-5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммавийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2021-йил 5-ноябрдаги ПҚ-5281-сон «2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги олимпия ва XVII паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 13-февралдаги ВМҚ-118-сон «2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илмий адабиётларида келтирилган бир қатор олимларнинг кўплаб тадқиқотлари натижасида машқ машғулотлари турининг спортчи юрак уриши тезлигининг ўзгарувчанлиги (ЮУТЎ) параметрларига таъсирини ўрганиб куч, аэробик ва аралаш машғулотлар тананинг асаб-мушак функциясига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлиги исботланган (A. Claiborne, 2021). Аёлларда юқори бўлган вагус асаб тонусини тавсифловчи кўрсаткичлар бўйича спортчилар ўртасида гендер фарқлар мавжудлиги аниқланган (M. Fürholz, 2012). Айтиш жоизки, ЮУТЎда элит спортчилар ва спорт усталари ўртасида сезиларли фарқлар топилмаган (O. Kiss, 2016). Дунё олимларининг фикрича, профессионал спортчиларни тайёрлаш мониторинги учун ЮУТЎ параметрларини ўрганиш долзарб муаммолардан биридир (D.J. Plews., 2013). Кўшни мамлакатлар тадқиқотчилари спорт маҳоратининг ўсиши, юқори жисмоний кўрсаткичлар, мусобақа ва машқ машғулотлари юкламаларига самарали мослашиш спортчининг функционал тайёргарлигига боғлиқлигини исботладилар (E.V. Биков., 2019). Спортчиларнинг 4 қисмдан иборат (психологик, нейродинамик, энергетик ва моторли) функционал тайёргарлиги структураси таклиф қилинган (И.Н. Солопов., 2019). Қатор тадқиқотчилар профессионал спортчининг функционал ҳолатини тезкор баҳолаш ва интеграл ташхислашнинг энг информацион усулларида бири бу ЮУТЎнинг таҳлил усули, деб ҳисоблашади (E.A. Гаврилова и др., 2015.). Спортчиларнинг ўртача аҳоли нормасига нисбатан электрокардиограмма (ЭКГ)да ЮУТЎ кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили R-R интервалларининг ортиши билан юрак уриш тезлигининг пасайишини парасимпатик асаб тизимини

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги Фармони.

тасдиқлаши (RMSSD, CV) ва синус тугунининг тахминий ишлаш даражаси учун жавобгар (Mo) интервалларининг ошиши ва юрак уриш тезлигидаги бир нечта Mo фоизи (AMo) ва стресс индекси (SI)нинг сезиларли пасайиши билан юрак уриш тезлигининг пасайишини тасдиқлайди (Shaffer F. et al., 2017). В.И. Пустовоит. ва бошқа олимлар (2021) томонидан олиб борилган тадқиқотлар циклик спорт турлари спортчиларида чуқур брадикардиянинг ишончлилигини кўрсатди. Автоном ЮУТЎ контур спектри умумий қувватининг юқори қийматлари циклик спорт турлари билан шуғулланадиган спортчиларда, асосан, нафас олиш тўлқинларининг (HF) кўпайиши туфайли кузатилади. Циклик спорт турларида LF/HF, VLF/HF индексларининг пасайиши билан ЮУТЎ марказий контурининг жуда паст частотали ва ультра паст частотали диапазонларининг мутлақ кучининг пасайиши кузатилиб, спортчиларнинг жисмоний иш қобилиятининг юқорилигидан дарак беради. Статик юкламалар устун бўлган машғулотлардан сўнг тинч ҳолатда қон айланиш тизими фаолиятининг тежамкорлиги бўлмайди (Э.Фероян ва бошқалар, 2023). Велоспортчиларда жисмоний иш қобилиятининг кучайиши билан асаб ва юрак-қон томир тизимлари ўртасидаги муносабатлар кучаяди ва уларнинг жисмоний юкламалар давомида ишлаш доираси кенгаяди (О.А. Сажина, 2021).

Ўзбекистонда циклик ва ациклик спорт турлари бўйича спортчилар ўртасида юрак-қон томир тизимида тинч ҳолатда ва жисмоний фаоллик даврида фунционал ва метаболик ўзгаришларнинг хусусиятлари ўрганилган (С.Р. Парпиев., 2021). Республикада биринчи мартаба Р.А.Бурнашев (2022) томонидан малакали спортчиларнинг машғулот юкламаларини оптималлаштириш учун ЮУТЎ усули қўлланилган. Ш.Куртиева ЮУТЎ усули ёрдамида балоғат ёши давридаги нейровегетатив бузилишлар бўйича тадқиқотлар ўтказган (2022).

Шундай қилиб, хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан малакали спортчилар тайёргарлигини ҳар томонлама баҳолаш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган бўлишига қарамадан, ҳали-ҳануз морфофункционал хусусиятлар ва ЮУТЎга асосланган адаптив-компенсатор механизмларни ҳисобга олган ҳолда, тайёргарлик даражасини баҳолаш усули ишлаб чиқилмаган ва истиқболли спортчиларни профессионал танлаш алгоритми такомиллаштирилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадиқот муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928597 «Спорт натижаларини прогнозлаш ва ўқув-машқ дастурларини муқобиллаш учун спортчилар физиологик ҳолатини математик моделини яратиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** морфофункционал ва адаптив-компенсатор хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, машғулотлар самарадорлигини баҳолаш ва циклик спорт турлари бўйича истиқболли спортчиларни танлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

велоспорт ва академик эшкак эшиш спорти билан шуғулланувчи элит спортчиларнинг мослашиш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда морфофункционал параметрларини баҳолаш.

велоспорт ва академик эшкак эшиш спорти билан шуғулланадиган спортчиларнинг машғулотлар самарадорлигини баҳолаш;

юрак уриш тезлигининг ўзгарувчанлиги асосида элит спортчилар организми регулятор тизимларининг адаптив-компенсатор механизмларини таҳлил қилиш;

спортчилар юрак-қон томир тизимининг морфофункционал параметрлари ва адаптив-компенсатор имкониятларидан келиб чиққан ҳолда машғулот жараёнининг тайёргарлик даврида уларнинг мусобақаларга тайёргарлигини баҳолашда дифференциал ёндашув моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** жами 80 нафар спортчи бўлиб, улардан: 54 нафар спортчи (23 нафар қизлар ва 31 нафар йигитлар) – Ўзбекистон Республикаси велоспорт Федерацияси терма жамоаси аъзолари; 26 нафар эркак спортчи Ўзбекистон «Rowing & Canoe» Федерацияси терма жамоалари аъзолари.

**Тадқиқотнинг предмети сифатида** морфофункционал кўрсаткичлар, юрак уриш тезлигининг ўзгарувчанлиги, тайёргарлик мезонлари ва спортчиларни профессионал танлаш бўйича материаллар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Вазифаларни ҳал қилиш ва мақсадга эришиш учун тадқиқотда соматометрик, биоимпедансометрик, физиометрик (функционал синамалар, ритмокардиография), аналитик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

экто-мезоморф тана тузилиши турига эга бўлган велосипед ва академик эшкак эшиш спорти билан шуғулланадиган спортчиларнинг мусобақаларга тайёргарлик даври учун қисқа муддат талаб қилиниши организмнинг жисмоний юкламаларга енгил мослашиш даражаси билан боғлиқлиги исботланган;

эркак жинсига мансуб спортчиларда экто-мезоморф тана тузилишли тип аёл спортчиларга нисбатан кўпроқ учраганлиги туфайли спортчилар машғулотлар жараёни натижадорлиги, ҳамда спорт формаси чўққисига эришишида гендер тафовутлар аниқланган;

юрак уриш тезлиги ўзгарувчанлигининг автоном ва марказий контурларининг муайян мувозанатда фаолият олиб бориши спортчилар организмнинг жисмоний юкламаларга адекват мослашувини акс эттирганлиги туфайли уни машғулот жараёнининг самарадорлигини баҳолаш индикатори ҳамда контурлар ўртасидаги номутаносиблик машғулот режимининг ноадекватлиги ва дезадаптация ҳолати белгиси эканлиги исботланган;

илк бор спортчининг мусобақага тайёргарлик даражасини баҳолашда, улар организми морфофункционал параметрлари ва юрак-қон томир тизимининг адаптив-компенсатор имкониятларини ҳисобга олган ҳолда; табақалаштирилган ёндашув модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инновацион технологиялар ва электрон дастурдан фойдаланган ҳолда мослашиш ва компенсатор механизмлар нуктаи назаридан машғулотларни тезкор бошқариш имконияти кенгайтирилган;

спортчиларни тайёрлашга индивидуал ёндашиш, мусобақа фаолиятидаги муваффақиятини башорат қилиш ва моделлаштириш усули асосланган;

морфофункционал хусусиятларнинг танланган спорт турига мувофиқлиги, автоном ва марказий контурларнинг тартибга солиш тури ва

динамикасини баҳолаш асосида истиқболли спортчиларни танлаш алгоритми таклиф этилган;

гемодинамик индекслар ва юрак уриш тезлигининг ўзгарувчанлиги кўрсаткичлари ёрдамида жисмоний тайёргарликни тезкор баҳолаш имконини берадиган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган;

компенсатор механизмларнинг фаолияти бузилишини башорат қилиш, чарчаш, зўриқиш ва ўта зўриқишнинг олдини олишдаги тартибга солувчи тизим ўзгаришларининг аҳамияти аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда оқилона назарий ёндашув ва усуллардан фойдаланиш билан бир қаторда олиб борилган тадқиқотнинг услубий тўғрилиги; етарли миқдордаги текширилган спортчилардан фойдаланилганлиги; замонавий кўшимча соматометрик, физиометрик, биоимпедансометрик, аналитик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилганлиги; хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг илмий ишлари маълумотларини қиёсий таҳлил қилинганлиги; ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига кўра тузилган хулосалар ва олинган натижаларнинг асослилиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юрак-қон томир тизимининг функционал кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда мавжуд инновацион технологиялардан фойдаланишни асослаш, шу жумладан юрак уриш тезлигининг ўзгарувчанлиги кўрсаткичлари билан спортчиларнинг жисмоний иш қобилияти кўрсаткичлари, жинси ва морфологик хусусиятларига қараб спортчиларнинг мослашиш қобилияти даражасини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти машқ қилиш қобилиятини баҳолаш учун компьютер дастурини ишлаб чиқиш, морфофункционал ва адаптив-компенсатор параметрлар асосида циклик спортнинг истиқболли спортчиларини профессионал танлаш алгоритмининг такомиллаштириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази эксперт кенгашининг 2024 йил 25 январдаги 1-сон хулосасига кўра (илмий янгиликлар Ўзбекистон дзюдо, триатлон, Федерацияларига Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг 2023 йил 08 февралдаги IT 2-сонли ва 2023 йил 27 июндаги IT-3-сонли хати юборилган):

**Биринчи илмий янгиликнинг моҳияти:** экто-мезоморф тана тузилиши турига эга бўлган велоспорт ва академик эшкак эшиш билан шуғулланадиган спортчиларнинг мусобақаларга тайёргарлик даври учун қисқа муддат талаб қилиниши организмнинг жисмоний юкламаларга енгил мослашиш даражаси билан боғлиқлиги исботланди. **Илмий янгиликнинг илмий аҳамияти:** морфометрик параметрларни ҳисобга олган ҳолда мослашишни баҳолаш спортчиларни мусобақаларга муваффақиятли тайёрлаш ва юқори натижаларга эришиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** олинган натижалар Ўзбекистон дзюдо Федерациясининг 2023-йил 12- февралдаги №194-сонли буйруғи ва триатлон Федерациясининг 2023-йил 01-июлдаги 1 л/с -сонли буйруғига асосан спорт шифокорларининг амалий фаолиятига жорий этилди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:**

спортчиларнинг соматотипи билан боғлиқ равишда мослашиш даражасини баҳолаш, элит спортчиларнинг спорт кўрсаткичларини яхшилаш ва уларни тезлаштиришга имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ҳар бир спортчининг машғулоти учун (озик-овқат, турар жой, спорт анжомлари, ўқув-машғулот йиғинлари ва мусобақаларни ўтказиш харажатлари) бюджетдан ойига 3 100 000 сўм ажратилади. Агар спортчи мусобақаларда спорт натижаларини кўрсатмаса, молиявий сармоя ўзини оқламайди. Тежалган иқтисодий харажатлар умумий ҳисобда ҳар бир спортчининг мусобақада муваффақиятли иштирок этишида, иқтисодий самарадорлик 3 100 000 сўмни ташкил қилади. Соматотипни баҳолаш учун деярли молиявий харажатлар талаб этилмайди, чунки ҳар бир федерацияда тарозилар, антропометр ва ўлчаш тасмаси мавжуд. **Хулоса:** мослашув-компенсатор механизмлар нуқтаи назаридан спортчининг тайёргарлик даражасини ўз вақтида баҳолашдан фойдаланиш мусобақаларга тайёргарлик кўриш вақтини ва спорт машғулоти сарфланадиган бюджет маблағларини қисқартириш имконини беради. **Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланилиши:** «Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи истиқболли спортчиларни саралаш жараёнида машғулотлар самарадорлигини баҳолаш» мавзусидаги илмий янгиликни Ўзбекистон дзюдо Федерацияси ва Ўзбекистон триатлон Федерациясига Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказ эксперт кенгашининг 2023-йил 18-августдаги, 2-сонли хулосасига асосан амалиётга жорий этилди.

**Иккинчи илмий янгиликнинг моҳияти:** экто-мезоморф тана типининг пайдо бўлиш частотаси эркак спортчиларда аёлларга нисбатан юқори бўлиб, бу энг юқори жисмоний тайёргарликка эришишда машғулот жараёнининг самарадорлигида гендер фарқлари мавжудлигини белгилайди. **Илмий янгиликнинг илмий аҳамияти:** мослашув, гендер хусусиятлари ва жинсини ҳисобга олган ҳолда, спортчиларни мусобақаларга тайёрлашда жисмоний юкламаларни индивидуаллаштиришга ёрдам беради, спорт натижадорлигини оширади. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** олинган натижалар Ўзбекистон дзюдо Федерациясининг 2023-йил 12-февралдаги №194-сонли буйруғи ва триатлон Федерациясининг 2023 йил 01-июлдаги 1 л/с -сонли буйруғига асосан спорт шифокорларининг амалий фаолиятига жорий этилди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** мусобақаларга тайёргарлик кўриш жараёнида спортчиларнинг гендер хусусиятларини ва тана тузилишининг турини ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашув спортнинг энг юқори шаклига тез эришиш ва мусобақаларда муваффақиятли қатнашишига ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** шундан иборатки, гендер хусусиятлари ва морфологик тузилишни ҳисобга олган ҳолда индивидуал машғулоти режими билан зўриқиш хавфи камаяди. Қўшимча тиббий хизматлар учун ҳар бир спортчи ҳисобидан иқтисодий самарадорлик 4 630 000 сўмлик харажатларни ташкил этди. **Хулоса:** спортчиларнинг индивидуал морфологик хусусиятларини, шунингдек, эркаклар ва аёлларнинг машғулоти юкламаларига ҳар хил мойиллигини ҳисобга олган ҳолда, зўриқиш ҳолатлари камайди. **Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланилиши:** «Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи истиқболли спортчиларни саралаш жараёнида машғулотлар самарадорлигини баҳолаш» мавзусидаги илмий янгиликни Ўзбекистон дзюдо Федерацияси ва Ўзбекистон триатлон Федерациясига Республика спорт

тиббиёти илмий амалий марказ эксперт кенгашининг 2023-йил 18-августдаги, 2-сонли хулосасига асосан амалиётга жорий этилди.

**Учинчи илмий янгиликнинг моҳияти:** юрак уриш тезлиги ўзгарувчанлигининг автоном ва марказий контурларининг муайян мувозанатда фаолият олиб бориши спортчилар организмнинг жисмоний юкламаларга мослашувини акс эттирганлиги туфайли уни машғулот жараёнининг самарадорлигини баҳолаш индикатори ҳамда контурлар ўртасидаги номутаносиблик машғулот режимининг ноадекватлиги ва дезадаптация ҳолати белгиси сифатида исботланди. **Илмий янгиликнинг илмий аҳамияти:** спортчилар организмнинг жисмоний юкламаларга адекват мослашувини баҳолаш асосида машғулот режимининг ноадекватлиги ва дезадаптация ҳолати белгисини тахмин қилиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** олинган натижалар Ўзбекистон дзюдо Федерациясининг 2023-йил 12-февралдаги №194-сонли буйруғи ва триатлон Федерациясининг 2023-йил 01-июлдаги 1 л/с -сонли буйруғига асосан спорт шифокорларининг амалий фаолиятига жорий этилди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** автоном ва марказий ЮУТЎ контурларининг параметрларини баҳолаш ўта чарчаш, зўриқиш, тананинг патология олди ҳолати ва вақтинчалик спорт машғулотларига лаёқатсизлигини олдини олишга имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** спорт машғулотларига лаёқатсизлигининг давомийлиги ҳар бир спортчига ўртача 7 кун, вақтинчалик спорт машғулотларига лаёқатсизлик нафақасининг ўртача миқдори кунига 200 000 сўмни ташкил этади. Бинобарин, ўта чарчаш, ўта зўриқиш ва организмнинг патология олди ҳолатининг ўз вақтида олдини олишнинг ҳар бир ҳолатида 1 400 000 сўм маблағни тежаш имконини беради. **Хулоса:** спортчиларнинг танасида ЮУТЎ параметрларининг эрта ўзгаришини аниқлаш танадаги функционал ва физиологик касалликларнинг олдини олиш, спорт машғулотларига лаёқатсизлик кунларини камайтириш ва шу билан бюджет маблағларини тежаш имконини беради. **Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланилиши:** «Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи истиқболли спортчиларни саралаш жараёнида машғулотлар самарадорлигини баҳолаш» мавзусидаги илмий янгиликни Ўзбекистон дзюдо Федерацияси ва Ўзбекистон триатлон Федерациясига Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказ эксперт кенгашининг 2023-йил 18-августдаги, 2-сонли хулосасига асосан амалиётга жорий этилди

**Тўртинчи янгиликнинг моҳияти:** илк бор спортчининг мусобақага тайёргарлик даражасини баҳолашда, улар организми морфофункционал параметрлари ва юрак-қон томир тизимининг адаптив-компенсатор имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, табақалаштирилган ёндашув модели ишлаб чиқилди. **Илмий янгиликнинг илмий аҳамияти:** спортчиларнинг тайёргарлигини баҳолашга табақалаштирилган ёндашув бизга мусобақалар олдида муваффақият ёки зўриқишни башорат қилиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** олинган натижалар Ўзбекистон дзюдо Федерациясининг 2023-йил 12-февралдаги №194-сонли буйруғи ва триатлон Федерациясининг 2023-йил 01-июлдаги 1 л/с -сонли буйруғига асосан спорт шифокорларининг амалий фаолиятига жорий этилди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ишлаб чиқилган моделдан фойдаланиш халқаро мусобақаларда иштирок этиш ва ғалаба қозониш учун

истикболли спортчиларни танлаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** спортчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолаш учун мўлжалланган FIRST BEAT аппаратининг нархи 24 800 000 сўм. Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида ушбу аппарат ёрдамида 1 нафар спортчини текшириш нархи – 150 000 сўм. РСТИАМда 1 йил ичида бир федерациянинг ўртача 30 нафар спортчисида жами 54 000 000 сўмлик тайёргарлик даражасини баҳолаши белгиланади. Агар федерация томонидан FIRST BEAT аппарати харид қилинса, спортчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашда битта спортчи учун бюджетдан 970300 сўм маблағ тежалади. **Хулоса:** юрак-қон томир тизимининг адаптив-компенсатор хусусиятларига асосланиб, истикболли спортчиларни танлаш спортни тўғри танлашга, спортнинг кичик турлари бўйича тўғри тақсимланишига ва юқори спорт натижаларига эришишга ёрдам беради. **Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланилиши:** «Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи истикболли спортчиларни саралаш жараёнида машғулотлар самарадорлигини баҳолаш» мавзусидаги илмий янгиликни Ўзбекистон дзюдо Федерацияси ва Ўзбекистон триатлон Федерациясига Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказ эксперт кенгашининг 2023-йил 18-августдаги, 2-сонли хулосасига асосан амалиётга жорий этилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференция, шу жумладан 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, тадқиқот натижаларини спорт амалиётига татбиқ этиш тўғрисида маълумотлар берилган, тадқиқотнинг апробация натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган, циклик спорт билан шуғулланадиган спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва спорт натижадорлигида юрак уриш тезлиги ўзгарувчанлигининг аҳамияти акс эттирилган.

Диссертациянинг **“Велосипед ва академик эшкак эшиш билан шуғуллананувчи спортчиларнинг морфофункционал хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида циклик спорт турлари спортчиларининг

морфологик ва функционал модел хусусиятларининг асосий назарий тушунчалари ҳақида адабиётлардан маълумотлар тақдим этилган ҳамда юрак уриш тезлиги ўзгарувчанлигининг циклик спорт турлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг тайёргарлик даражаси ва спорт натижадорлигига аҳамияти акс эттирилган.

Диссертациянинг **“Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг машқланганлик самарадорлигини баҳолаш материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида циклик спорт турлари бўйича тадқиқот объектлари, ҳажми ва усуллари келтирилган. Тадқиқот велоспорт ва «Rowing & Canoe» Федерацияларида 2021-2022 йилларда ўтказилган. Тадқиқотда жами 80 нафар спортчи иштирок этган бўлиб, велоспорт Федерацияси терма жамоаларининг 54 нафар аъзоларининг ўртача ёши  $18,8 \pm 0,60$  ёшни ташкил этди (23 қиз ва 31 йигит спортчилар). «Rowing & Canoe» Федерациясининг миллий терма жамоалари аъзолари бўлган 26 нафар элит спортчининг ўртача ёши  $22,3 \pm 0,71$  ёшни ташкил этди. Барча спортчилар спорт устаси унвонига эга бўлиб, уларнинг машғулот тажрибаси 5-10 йилни ташкил қилди.

Морфологик хусусиятларни ва морфологик портретнинг танланган спорт тури (кичик тури) талабларига мувофиқлигини ўрганиш ва шакллантириш, истиқболли спортчиларни танлаш учун индексларни ҳисоблашда соматометрик усул қўлланилди. Тадқиқотда тананинг бўйлама, айлана ва диаметрик ўлчамлари баҳоланди. Пинье, Скелиа, Эрисман, Ливи ва тана массаси индекслари (ТМИ) ҳисоблаб чиқилган. Соматотиплар Хит-Картер усули бўйича аниқланди. Машғулотлар жараёнида муҳим рол ўйнайдиган ёғ-мушак таркибий қисмларини баҳолаш учун TANITA аппарати ёрдамида биоимпендансометрия ўтказилди. Қўл мушакларининг кучи ДК-100 ва ДК-140 типдаги қўл динамометри ёрдамида аниқланди.

Тадқиқотда, юрак уриш тезлигини (ЮУТ) ва қон босимини (ҚБ) миқдорланган жисмоний юкламадан олдин ва кейин ўлчаш маълумотлари асосида 23 та гемодинамик кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилиб, улардан 7 таси, яъни юрак уриш тезлигининг энг юқори пикида ва юкламалардан кейин, тикланишнинг 3 дақиқасида; энг юқори юкламаларни бажариш чўққисидаги систолик қон босими, Руфье индекси, юрак-қон томир тизимининг ишлаш даражаси; жисмоний иш қобилиятининг функционал захираси таҳлил этилган.

Циклик спорт турлари спортчиларининг максимал кислород истеъмоли (МКИ) ва жисмоний иш қобилияти кўрсаткичлари (PWC 170) Concept 2 туридаги эшкак эшиш тренажери ва велотренажерлар ёрдамида ўрганилди. Олинган маълумотларга кўра, жисмоний иш қобилияти кўрсаткичлари ва машқ қилиш қобилияти (машғулот жараёнига сезувчанлик) баҳоланди, улар динамикада (тайёргарлик даврининг бошида ва охирида) тайёргарлик даражасини баҳолаш билан аниқланди.

Спортчиларни ўрганиш 3 ой давом этган машғулот жараёнига тайёргарлик даврида амалга оширилди (асосий тайёргарлик даври - битта мезоцикл). Карпман усулига кўра, барча спортчилар 2- ва 3-юклама зоналарида машқ қилишди. Тадқиқотдан бош тортган, соғлиғида муаммо бўлган, ёш тоифасига кирмаган ва спорт устасидан паст даражага эга бўлган спортчилар тадқиқотга киритилмадилар.

Тадқиқотда спортчилар организмнинг регулятор механизмларининг автоном (машқ қилиш қобилияти) ва марказий (компенсатор

механизмларнинг кучланиш даражаси) контурларини ўрганиш учун FIRST BEAT аппарати билан олиб борилган ритмокардиография усули қўлланилди.

Автоном ва марказий контурларни ўрганиш 1-жадвалда акс эттирилган бир қатор индексларнинг ўрганишини ўз ичига олган.

Статистик ишлов бериш усуллари киритилган частота таҳлили (%), вариацион статистика (ўртача арифметик- $M$ , стандарт хато- $\pm m$ ), корреляцион таҳлил (Пирсон жуфтлиги корреляция коэффиценти- $r$ )лардан иборат бўлди. Диагностика моделини қуриш кўрсаткичларнинг инфорацион қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Модел чизиқли тенглама шаклида қурилган. Ўртача қийматлардаги фарқларнинг ишончилигини аниқлаш учун Стьюдентнинг  $t$ -тести ишлатилган. Ўртача арифметик қийматлардаги фарқлар  $p \leq 0,05$  да муҳим деб ҳисобланди.

### 1-жадвал

#### Юрак уриш тезлиги ўзгарувчанлигининг автоном ва марказий контурлар кўрсаткичларининг хусусиятлари-предложение не понятно

Индекс	Индекснинг хусусияти
автоном контур	
RMSSD, мс.	спорт машғулотларига мослашиш жараёнида парасимпатик алоқани фаоллаштириш учун жавобгар
SDNN, мс.	вегетатив асаб тизими (ВАТ) барча бўлимларининг умумий таъсирини акс эттиради
NN50, % pNN50, %	парасимпатик алоқанинг симпатикдан устунлигини кўрсатади
HF, мс.	юқори частотали тебранишларни тавсифлаш, адаптив заҳиралар, машғулотларга тайёргарлик ва мусобақалардаги натижалар учун жавобгар
TP, мс.	умумий спектрни тавсифлайди, <i>n. vagus</i> нинг адаптив ва трофик таъсирини кўрсатади, шунингдек жисмоний ва психо-эмоционал стрессга қаршилиқни аниқлайди
Mo, мс.	синус тугунининг тахминий ишлаш даражаси учун жавобгар
Mx, мс.	юрак интерваллари қийматларидаги тебранишларнинг максимал амплитудасини тавсифлайди
марказий контур	
ИН, ш.б.	компенсатор механизмларининг кучланиш даражасини тавсифлайди
SI, ш.б.	стресс даражасини тавсифлайди
Амо, мс.	юрак уриш тезлигидаги бир нечта $M_0$ фоизини аниқлайди
ПАПР, ш.б.	тартибга солиш жараёнларининг етарлилигини кўрсатади
ВПР, ш.б.	вегетатив юрак уриш тезлиги кўрсаткичини тавсифлайди
ИВР, ш.б.	ВАТ икки қисмининг вегетатив мувозанатини акс эттиради
LF/HF ш.б.	марказий контурнинг автономга нисбатан устунлигини акс эттиради
LF, мс.	мусобақа фаолиятига тезкор қўшилиш учун жавобгар
VLF, мс.	супрасегментал ва гипоталамус тузилмалари билан боғлиқ паст частотали тўлқинларни тавсифлайди

Диссертациянинг «Велоспорт ва академик эшкак эшиш билан шуғулланувчи спортчиларни морфофункционал текшириш усуллариининг натижалари» деб номланган учинчи бобида велоспорт ва академик эшкак эшиш билан шуғулланадиган спортчиларнинг морфометрик кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Спортчиларнинг тана вазни таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, тайёргарлик даври охирига келиб ёғ таркиби 8,2-10,8% га камайган, аммо велоспорт билан шуғулланадиган аёлларда эркакларга қараганда сезиларли даражада пасайиш аниқланди ( $p < 0,05$ ). Иккала жинсдаги спортчиларда мушакларнинг таркибий қисми 1,8-5,9% га ошган, аммо ишончли сезиларли ўзгаришлар аниқланмаган.

Асосан (39,1%) мезо-эндоморф соматотиби велоспорт билан шуғулланувчи қизларда, экто-мезоморф соматотип эса велоспорт (67,7%) ва академик эшкак эшиш (53,8%) билан шуғулланувчи эркакларда аниқланган.

Текширилаётган спортчиларнинг морфологик портрети академик эшкак эшиш ва велоспортнинг шоссе турида юқори натижаларга эришиш учун зарур бўлган тананинг ўлчов хусусиятларининг илмий асосланган талабларига мувофиқлиги аниқланди.

Велоспорт ва академик эшкак эшиш билан шуғулланадиган спортчиларнинг велоэргометрия (PWC 170) натижалари билан аниқланган жисмоний иш қобилияти кўрсаткичлари ва максимал кислород истеъмоли (МКИ) кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган. Машғулотлар жараёнининг тайёргарлик даври бошида ва охирида ушбу кўрсаткичларни таққосланганда, эркак спортчиларда МКИ бўйича сезиларли фарқлар аниқланди. Тайёргарлик даври динамикасида эркакларда жисмоний иш қобилияти кўрсаткичларининг ошиши қайд этилди, аммо PWC 170 кўрсаткичлари ўртача қийматлардан ошмади. Тақдим этилган маълумотлар машғулот жараёнининг тайёргарлик даврида фақат эркак спортчиларда чидамлилигининг ошганлиги ҳақида далолат беради.

## 2-жадвал

### Велоспорт ва академик эшкак эшиш билан шуғулланадиган спортчиларнинг машғулотларга тайёргарлик давридаги велоэргометрия таҳлили кўрсаткичлари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Қизлар (n=23)				Ўигитлар (n=31)			
	бошида		охирида		бошида		охирида	
	M	$\pm m$	M	$\pm m$	M	$\pm m$	M	$\pm m$
велоспортчилар								
PWC 170	1169,2	47,02	1214,6	63,83	1499,7	56,35	1640,5	58,13
МПК	3497,9	127,02	3589,8	142,34	4364,4	121,43	4876,8*	170,75
академик эшкак эшувчилар (n=26)								
PWC 170					1839,3	73,04	2069,2	91,83
МПК					5042,8	204,81	5623,3*	202,03

Эслатма: \* - машғулотларга тайёргарлик даврининг бошида ва охирида спортчиларнинг кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги; \* -  $p < 0,05$ .

Эркак спортчиларда, аёл спортчиларга нисбатан, жисмоний иш қобилияти кўрсаткичлари ва максимал кислород истеъмоли параметрлари сезиларли даражада ўсган ( $p < 0,05$ ), бу эркак спортчиларнинг жисмоний чидамлилигининг ошганлигидан далолат беради.

Барча ўрганилган спортчилар гуруҳларида тайёргарлик даври бошидан охиригача велоэргометрик параметрлар (PWC 170 ва МКИ) ва гемодинамик кўрсаткичлар (юрак уриши тезлиги чўққисида, тикланишнинг 3-дақиқасида, энг юқори юкламадаги систолик қон босими ва Руффье индекси) ( $r_1 - 0,52$  гача ва  $r_2 - 0,72$  гача) ўртасидаги салбий корреляциянинг ортиши; жисмоний иш

қобилияти кўрсаткичлари параметри билан ижобий корреляциянинг ортиши ҳам аниқланди ( $r_1$  0,19 гача ва  $r_2$  0,51 гача).

Диссертациянинг “Спортнинг циклик турлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг юрак уриш тезлигининг ўзгарувчанлигини вегетатив тартибга солинишини текшириш” деб номланган тўртинчи бобида юрак уриш тезлиги ўзгарувчанлигининг автоном ва марказий контурларининг таҳлили, тайёргарлик даражаларининг таҳлили ва тайёргарлик даврида истиқболли спортчиларни профессионал танлаш усули келтирилган.

Велоспорт ва академик эшкак эшиш билан шуғулланадиган спортчиларда юрак уриш тезлиги ўзгарувчанлигининг автоном контури динамикасини ўрганиш жараёнида эркакларда автоном контур кўрсаткичларининг сезиларли ўсиши аниқланди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Тайёргарлик машғулотлари даврида велоспорт ва академик эшкак эшиш билан шуғулланадиган спортчиларнинг автоном контурини баҳолаш, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Йигитлар (n=31)				Қизлар (n=23)			
	бошида		охирида		бошида		охирида	
	M	$\pm m$	M	$\pm m$	M	$\pm m$	M	$\pm m$
велоспорт								
RMSSD, мс.	94,2	20,76	163,8	30,83	116,8	16,88	127,5	27,10
SDNN, мс.	81,4	14,33	149,8*	29,1	96,2	12,38	101,3	17,21
NN50, %	97,1	12,16	134,6*	11,83	127,6	12,76	150,7	11,62
pNN50, %	31,8	3,85	44,6*	3,62	44,4	4,76	48,2	4,42
Mx, мс.	551,0	45,8	920,8**	101,32	693,3	125,07	720,7	104,99
HF, мс.	1897,9	367,8	3967,3**	545,1	2323,6	431,8	3348,3	539,86
TP, мс.	4456,8	522,2	6109*	660,9	5123,3	638,7	5878,8	703,12
Mo, мс.	956,4	30,63	1016,6	30,32	977,0	27,86	1004,3	38,84
академик эшкак эшиш (n=26)								
RMSSD, мс.	76,9	12,45	128,4*	22,63				
SDNN, мс.	78,2	14,16	112,8	18,43				
NN50, %	76,1	9,73	121,4**	13,28				
pNN50, %	28,1	4,19	43,8*	4,68				
Mx, мс.	449,8	37,47	627,6**	50,12				
HF, мс.	1519,1	355,23	2725,6*	487,06				
TP, мс.	4573,1	692,85	5503,7	750,57				
Mo, мс.	988,5	36,90	1106,3*	34,26				

Эслатма: \* - машғулотларга тайёргарлик даврининг бошида ва охирида спортчиларнинг кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги; \* -  $p < 0,05$ ; \*\* -  $p < 0,01$ .

Жадвалда келтирилган маълумотлар эркакларнинг жисмоний юкламаларга кўпроқ мойиллигини кўрсатади. Текширилаётган спортчиларда RMSSD, SDNN, Mo, NN50 индексларнинг қийматлари нормал қийматлар чегарасида эканлиги аниқланди. Ҳолбуки, HF, TP, Mx индексларининг қийматлари стандарт қийматлардан юқори бўлди, бу эса профессионал спортчиларнинг тартибга солиш тизимларининг функционал имкониятларининг кенгайишини ифодалайди. ЮУТЎ автоном контури индексларининг кўпайиш ва камайиш қийматларининг нисбати машғулотлар жараёнининг динамикасида тананинг (енгил, ўрта ва оғир) жисмоний юкламаларга мослашиш даражасини кўрсатади. Велоспорт билан шуғулланадиган қизларнинг автоном контури индексларини таҳлил қилиш

шуни кўрсатдики, ўсиш қийматлари пасайишдан 2-3 баравар юқори бўлади. Бу эса жисмоний юкламаларга ўртача мослашиш даражасини кўрсатиб, уларнинг қийматлари қуйидагича бўлди: RMSSD=2:1, SDNN=2:1, NN50=3:1, р NN50=2:1, Mx=3:1, HF =3:1, TP=3:1, Mo=3:1.

Велоспорт билан шуғулланадиган йигитларда автоном контур индексининг ўсиш ва пасайиш нисбати мос равишда 4:1 ва 5:1 ни ташкил қилди (RMSSD=4:1, SDNN=5:1, NN50=4:1, р NN50=4:1, Mx=4:1, HF =4:1, TP=5:1, Mo=4:1), Шу билан бирга, академик эшкак эшиш билан шуғулланадиган йигитлар орасида бу индексларнинг нисбати 4:1 дан 7:1 гача ўзгариши мумкинлиги аниқланди (RMSSD=7:1, SDNN=7:1, NN50=7:1, р NN50=7:1, Mx=7:1, HF =4:1, TP=4:1, Mo=5:1). Тақдим этилган маълумотлар тартибга солиш тизимларининг ишлаш чегараларининг кенгайишини ва ёш спортчиларнинг жисмоний юкламаларга осон мослашиш даражасини кўрсатади.

Велоспорт ва академик эшкак эшиш билан шуғулланадиган спортчиларнинг ЮУТЎнинг марказий контури динамикасини ўрганиш эркакларда марказий контур кўрсаткичларининг сезиларли даражада пасайишини аниқлади (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Машғулотларга тайёргарлик даврида велоспорт билан шуғулланадиган спортчиларнинг марказий контурини баҳолаш, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Йигитлар (n=31)				Қизлар (n=23)			
	бошида		охирида		бошида		охирида	
	M	$\pm m$	M	$\pm m$	M	$\pm m$	M	$\pm m$
велоспорт								
SI, ш.б.	7,4	0,89	4,6**	0,45	5,5	0,50	5,4	0,52
ИН, ш.б.	163,1	42,78	68,8*	14,62	140,7	44,78	89,8	23,14
VLF, мс	461,3	68,92	381,3	73,96	500,3	70,72	396,4	52,02
LF, мс	2097,2	251,0	1756,1	265	2298,9	452,67	2092	385,11
LF/HF, ш.б.	3,1	0,47	1,6*	0,32	1,6	0,28	1,2	0,17
АМо, ш.б.	5,7	0,24	4,9*	0,18	5,43	0,29	5,3	0,28
ПАПР, ш.б.	6,1	0,37	4,9*	0,30	5,7	0,45	5,6	0,49
ВПР, ш.б.	2,7	0,43	1,5*	0,22	2,3	0,34	1,9	0,31
ИВР, ш.б.	14,8	2,44	7,6**	1,14	12,7	2,25	9,7	1,38
академик эшкак эшиш (n=26)								
SI, ш.б.	7,6	0,66	5,4**	0,52				
ИН, ш.б.	191,02	37,23	145,9	65,40				
VLF, мс.	616,1	142,27	445,5	79,56				
LF, мс.	2441,6	374,00	2228,0	360,11				
LF/HF, ш.б.	3,10	0,74	1,5*	0,30				
АМо, ш.б.	4,9	0,23	4,8	0,53				
ПАПР, ш.б.	5,35	0,40	5,0	1,06				
ВПР, ш.б.	2,9	0,36	2,4	0,83				
ИВР, ш.б.	15,9	7,17	14,4**	2,08				

